



## THE INFLUENCE OF INTERNAL CONFLICTS ON THE DEVELOPMENT OF THE EARLY ARAB-MUSLIM STATEHOOD

**Qobil Zokhidov**

*candidate of historical sciences, associate professor*

*Yangi asr University*

*Uzbekistan, Tashkent*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Islamic history, Abu Bakr as-Siddiq, ar-Ridda, mutanabbianism, false prophets, Tulaisha ibn Khuwaylid, Musaylima, political confrontations, Medina, socio-political analysis.

**Received:** 26.12.24

**Accepted:** 28.12.24

**Published:** 30.12.24

**Abstract:** This article explores the political leadership activities of Abu Bakr as-Siddiq in the early history of Islam, the actions of specific “false prophets”, and their socio-political analysis. Political decisions aimed at uniting Arabs in Mecca after the death of the Prophet Muhammad, including the ar-Ridda movement, look at the influence of mutanabbianism and what political and religious contradictions they caused for the early years of Islam. In addition to this, the article attempts to analyze the political activities of “false prophets” such as Tulaisha ibn Khuwaylid and Musaylima and their influence in Mecca, and to show how the internal political forces opposed to Medina were closed. The “false prophets” and their political goals that arose during that time contribute to a deeper understanding of Islamic history.

## ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТЧИЛИГИ РИВОЖИГА ИЧКИ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

**Қобил Зоҳидов**

*тарих фанлари номзоди, доцент*

*Янги аср Университети*

*Ўзбекистон, Тошкент*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ислом тарихи, Абу Бакр ас-Сиддиқ, ар-Ридда, тарихининг илк даврида Абу Бакр ас-мутанаббийсизм, сохта пайғамбарлар, Сиддиқнинг сиёсий раҳбарлик фаолиятини, Тулаиша ибн Кхувайлид, Мусайлима, ўзига хос "сохта пайғамбарлар"

**Аннотация:** Ушбу мақола, ислом тарихининг илк даврида Абу Бакр ас-Сиддиқнинг сиёсий раҳбарлик фаолиятини, ўзига хос "сохта пайғамбарлар"

сиёсий қарама-қаршиликлар, ижтимоий-сиёсий таҳлил.

Мадина, ҳаракатларини ва уларнинг ижтимоий-сиёсий таҳлилини ўрганади. Муҳаммад пайғамбарнинг вафотидан кейин Маккадаги арабларни бирлаштиришга қаратилган сиёсий қарорлар, шу жумладан, ар-Ридда ҳаракати, мутанаббийсизмнинг таъсири ва уларнинг исломнинг дастлабки йиллари учун қандай сиёсий ва диний қарама-қаршиликларга сабаб бўлганини кўриб чиқади. Бунга қўшимча равишда, мақолада Тулайша ибн Кхувайлид ва Мусайлима каби "сохта пайғамбарларнинг" сиёсий фаолиятлари ва уларнинг Маккадаги таъсирини таҳлил қилиш ҳамда Мадинага қарши бўлган ички сиёсий қучларнинг қандай жипслашганини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Ўша даврда юзага келган "сохта пайғамбарлар" ва уларнинг сиёсий мақсадлари ислом тарихини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

## ВЛИЯНИЕ ВНУТРЕННИХ КОНФЛИКТОВ НА РАЗВИТИЕ РАННЕЙ АРАБО-МУСУЛЬМАНСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ

**Кобил Зоҳидов**

кандидат исторических наук, доцент

Университет Янги аср

Ўзбекистон, Тошкент

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** история ислама, Абу Бакр ас-Сиддик, ар-Ридда, мутанаббизм, лжепророки, Тулайша ибн Хувайлид, Мусайлима, политические противостояния, Медина, социально-политический анализ.

**Аннотация:** В этой статье исследуется деятельность политического лидера Абу Бакра ас-Сиддика в ранней истории ислама, действия конкретных "лжепророков" и их социально-политический анализ. Политические решения, направленные на объединение арабов в Мекке после смерти пророка Мухаммеда, включая движение "Ар-Ридда", рассматривают влияние мутанаббизма и те политические и религиозные противоречия, которые они вызвали в первые годы существования ислама. В дополнение к этому, в статье предпринята попытка проанализировать политическую деятельность "лжепророков", таких как Тулайша ибн Хувайлид и Мусайлима, и их влияние в Мекке, а также показать, как были скомпрометированы внутренние политические силы, выступавшие против Медины. "Лжепророки" и их политические цели, возникшие в то время, способствуют

## КИРИШ

Муҳаммад пайғамбарнинг Мадинага қилган ҳижратидан сўнг (622 й.) араб-мусулмон давлати жадал суръатларда шакллана бошлади. Янги вужудга келаётган давлат мафкураси сифатида ўзини намоён қилган ислом дини билан ривожлана бошлади. Бу икки жараён ёнма-ён ва боғлиқликда кечди. Пайғамбарнинг 632 йил юз берган вафотидан кейин давлатчилик шаклланишидаги жараёнлар мутлақо янги тус олди. Мадина шаҳар-давлати сиёсий раҳбариятида биринчи мавқени эгаллашга эришган Абу Бакр ас-Сиддиқ фаолияти бу воқеаларда етакчи ролни ўйнади.

Абу Бакрнинг (632-634) сиёсий раҳбар сифатидаги биринчи вазифаси давлат бирлигини тиклаб, уни мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Унга қарши турган кучлар кўпчиликти ташкил қиларди. Бу кучларнинг ҳаракати араб-ислом адабиётида «*ар-Ридда*» «الردة» номини олди. *Ар-Ридда* сўзининг луғавий маъноси «орқага қайтиш», «чекиниш» маъноларини англатиб, исломий адабиётда аксар ҳолларда «диндан қайтиш» хусусий маъносида қўлланилади. *Ар-Ридда* ҳаракатида асосий иштирок қилган куч сифатида ислом манбаларида «сохта пайғамбарлар» – *мутанаббийлар* (متنبى) кўрсатилади. Лекин бу ерда икки нозик жиҳат борки, улар бу давр сиёсий воқеаларини тўғри англашга чалкашликлар киритиб, тадқиқотчиларни нотўғри йўлга бошлаш хавфи мавжуд. Биринчидан, *ар-Ридда* «араб тарқоқлигини» қайта тиклаш йўлидаги сиёсий ҳаракат – Мадина ҳукмронлигидаги марказлашган давлатга қарши хуруж эди. Иккинчидан, *мутанаббийларнинг* аксари Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётлик вақтларида бош кўтардилар. Демак, барча манбаларда ва улардан сўнг – кўп сонли тадқиқотларда «диний» жараён сифатида талқин этилган бу ҳаракат амалда аниқ сиёсий мақсадларни кўзлаган.

Шу жиҳатдан Абу Бакрнинг «араб тарқоқлиги» намоёндалари бўлган «сохта пайғамбарлар»га қарши олиб борган сиёсатини янги ёндошув ёрдамида қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Бу воқеаларни ёлғиз «диний қобик»дан ажратиб, ўша давр сиёсий жараёнларининг ташкилий қисми сифатида янгича таҳлил қилиш мазкур давр воқеаларини чуқурроқ ва атрофлича тушуниш имконини яратади.

Пайғамбар ҳаётининг охириги кунларида Талха ибн Холид (ваф. 642 й. Мусулмон муаллифлари талқинича, Тулайха ибн Хувайлид), аввал ислом динини қабул қилганига қарамай, ўзини пайғамбар деб эълон қилган эди. Аммо, манбаларда келтирилишича, Тулайха ибн Хувайлид Бану Асад уруғидан бўлиб, бу даврда у эски дин руҳонийси – *коҳин* эди[1].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарида *коҳин*: «*Келажак илми – илми ғайбдан бохабарликни даъво қилувчи шахс!*»- дея тариф берилган[2].

Тулайҳанинг *коҳин*, яъни фолбин бўлганлигини ҳисобга олинадиган бўлса, унинг исломни қабул қилиб, кейин муртадд бўлганлиги ҳақидаги мусулмон муаллифларининг маълумоти[3] уни бадном қилиш учун ишлатилган услубларидан биридир, холос. Тулайҳа ўз тарафдорлари билан Макка атрофидаги Сумайро шаҳрига яқинлашганида, Пайғамбар унга қарши Дирор ибн ал-Азварни юборади. Аммо Пайғамбар вафоти ҳақидаги хабарни эшитган Дирор ўз аскарларини орқага қайтарган[4].

Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг Тулайҳа ибн Хувайлиднинг сиёсий мавқеи кучая бошлади. Уни *Бану ал-Асад*, *Бану Ғатафон*, *Бану Ҳавозин*, *Бану Кинона* ва *Той* қабилалари қўллаб қувватладилар ва у билан бирлашдилар[5]. Ибн Халдун Тулайҳага бир канча *йаҳудий* қабилаларининг вакиллари келиб қўшилганликлари ҳақида қимматли маълумот беради[6]. Шу давргача тадқиқотчилар диққат-эътиборидан ташқарида қолиб келаётган бу факт араб-мусулмон давлати пайдо бўлиш тафсилотларини чуқурроқ тушунишда қўл келади. Чунки мутанаббийлар атрофига Мадинага муҳолиф бўлган сиёсий кучларнинг жипслашиши нафақат диний шиор, балки биргалашиб умумий душманга қарши ҳаракат қилиш манфаатлари асосида юз берди.

Бундай жиддий хавфни бартараф этиш мақсадида Абу Бакр Тулайҳага қарши Холид ибн ал-Валид бошчилигида қўшин юборади. Жанг Тулайҳанинг Шомга қочиши, тарафдорларининг ҳалок бўлиши ва аксариятининг асир олиниши билан якунланади.

Тулайҳанинг уста сиёсатчи ва дипломат бўлганлигини унинг чорасиз қолган бир ҳолатда исломни қабул этганлиги ҳам кўрсатади. Кейинчалик у Ироққа қарши бўлган араб юришларида фаол иштирок этди[7].

Муҳаммад пайғамбар ҳаётлик даврларидаёқ пайғамбарлик даъвоси билан чиқувчилардан яна бири йомоалик Мусайлима эди. Араб тарихчиларининг хабар қилишларича, аввал Муҳаммад пайғамбар ҳузурига *Бану Ҳанифа* қабиласидан келган бир гуруҳ элчилар орасида Мусайлима ҳам бўлган. О.Г. Большаков араб-ислом тарихчилари томонидан Мусайлиманинг ханифийларга бу даврдаги етакчилик роли афсонавийлаштириб юборилган, деган хулосага келган[8]. Тўғри, Ибн Ҳишом Мусайлимани *Бану Ҳанифа* вакиллари орасида бўлиб, от-туяларга қараб турганлиги, лекин музокараларда иштирок этмаганлигини қайд этиб ўтади[9]. М.Б. Пиотровский Ибн Ҳишомнинг фикрига қўшилиб, Мусайлиманинг фаолияти кейинроқ сиёсий тус олган, деган хулосага келган[10].

Мусулмон муаллифлари Мусайлимани Пайғамбарга айнан тақлид қилувчи тарғиботчи сифатида таърифлайдилар. Аммо шу ўринда Абу Райҳон Беруний[11] нинг

маълумоти биз учун қимматли ва муҳимдир. У Мусайлима ибн Ҳабибни маздакийлардан бўлганлигини хабар қилади[12]. Табиийки, Мусайлима *Бану Ҳанифа* қабиласи ичида ўзгача фаолият олиб борган. Хусусан, унда маздакийлар таълимотида бўлганидек сиёсий жиҳат олдинги қаторларда эди. Бу ҳақда ал-Берунийда келтирилган хат мазмунини яққол далолат беради: «Аллоҳнинг элчиси Мусайлимадан Аллоҳнинг элчиси Муҳаммадга! Салом сенга. Ҳукмронликда (*амр*) мен сенга шерик бўлдим. Ернинг ярми – бизга (*Бану Ҳанифага*), ярми эса – Қурайшга»[13].

Пайғамбар вафотидан кейинги даврда янги сиёсий раҳбарлар фаолиятида мутанаббийлик жиҳати муҳим аҳамият касб эта бошлади. Буни *Бану Ҳанифа* сиёсий раҳбарлигига оддий амир Ҳавза ибн ‘Али ўрнига сохта пайғамбар Мусайлиманинг келишида кўришимиз мумкин. Мусайлима атрофига ўз қабиладошларини бирлаштириб, Мадина учун жиддий сиёсий рақибга айланди. Шу даврда пайдо бўлган ва ўз замонаси сиёсий воқелигини акс эттирувчи Пайғамбар томонидан нақл этилган ҳадисда Мусайлиманинг Йамома ҳукмдори (*صاحب اليمامة*) сифатида эътироф этилиши унинг кучли сиёсий мавқега эга бўлганлигидан далолат беради. Табиийки, уни бартараф этиш Абу Бакрнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Кучайиб келаётган Мадина шаҳар-давлатининг ҳукмронлигига қарши қабилалар умумий ҳаракатини бирлаштириш ҳисси баъзи раҳбарларда пайдо бўла бошлади. Буни Мусайлима ва Сажоҳ ўртасида бўлиб ўтган воқеаларда кўришимиз мумкин. Лекин О.Г. Большаков ва М.Б. Пиотровскийлар бу икки мутанаббий орасидаги алоқалар ҳақидаги манбалар маълумотини «ўрта аср араб ҳикоячиларининг уйдирмаси», деб инкор этадилар[14].

Маълумки, Сажоҳ (ваф. 675 й.) *Бану Тағлиб* қабиласининг сиёсий курашига бошчилик қилган мутанаббий аёл эди. У *Бану Ҳузайма* қабиласидан ҳарбий мағлубиятга учрагач, ўз одамларини Йамомага бошлайди. Сажоҳ Йамома ҳукмдори Мусайлима билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлади. Бу иттифокни мустаҳкамлаш рамзи сифатида икки раҳбар никоҳга кирадилар. Айнан шу маълумот кўп тадқиқотчилар тарафидан шубҳа остига олинади. Бу воқеанинг юз берганлигини Йамоманинг йиллик ғалласининг ярми Мусайлима томонидан Сажоҳга маҳр этиб берилганида ўз тасдиғини топади[15]. Аммо, «тарқоқлик психологияси» *Бану Тағлиб* ва *Бану Ҳанифа* қабилаларининг умумий душман – Мадина шаҳар-давлатига қарши бирлашиб ҳаракат олиб бориш имконини йўқотишга олиб келди. Мутанаббийларнинг бу рамзий никоҳи мазкур араб қабилаларининг бирлаша олмаганликлари оқибатида йўққа чикди.

‘Умон ҳудудида *мутанаббийлик* шиори остида исён кўтарган Зу-т-Тож Лақит ибн Малик ал-Аздийни О.Г. Большаков оддий подшоҳ деб ҳисоблайди[16]. Тўғри, ‘умонликлар

Муҳаммад пайғамбар давридаёқ *садақани жарима* деб тушунганлар[17]. Лекин Лақит ибн Малик Арабистон ярим оролида ўша пайтда вужудга келган вазиятга мос равишда сиёсий мафкурани диний мафкура билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Буни ат-Табарийнинг маълумоти тасдиқлайди: Лақит ибн Малик ҳам пайғамбарликни даъво этган[18]. ‘Умон ҳудуди Мадина шаҳар-давлати учун Сосонийлар империясига қарши стратегик аҳамиятга эга эди. Шунинг учун, Абу Бакр ‘Умонга бирданига уч қўшин – ал-Муҳожир ибн Аби Умаййани, унинг орқасидан ‘Икрима ибн Аби Жаҳл (ваф. 634 й.) бошчилигидаги аскарларни, сўнг Ҳузайфа ибн Миҳсан (ваф. 656 й.)ни Ҳимйар ҳудудидан юборди. Бундан кўриш мумкинки, Абу Бакр Лақит ва унинг ‘Умондаги тарафдорларини йирик сиёсий рақиблар сифатида қабул қилган.

Тарихий манбалар, улардан сўнг тадқиқотчилар мутанаббийлар орасида мадиналик Ибн Саййод фаолиятига етарли даражада эътибор бермайдилар. Фақат, баъзи тадқиқотчилар ўз мақолаларида унинг Мадина шаҳрида мутанаббий сифатида фаолият олиб борганлигини қайд этадилар[19]. Аммо у ҳақда чуқурроқ маълумот олиш учун тадқиқотга манбаларни, хусусан, ҳадис тўпламларини жалб қилиш мумкин. Жумладан, Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарида Ибн Саййод ҳақида қуйидаги ҳадис учрайди[20]:

«Отам ҳазрати ‘Умар Расулуллоҳнинг бир гуруҳ саҳобалари орасида ул зот билан биргаликда Ибн Саййод яшайдиган томонга йўл олдилар. «Ибн Саййод» унинг куняси бўлиб, асл исми «Софий» ва ўзи йахудийлардан эрди. Жаноб Расулуллоҳ «Бир йахудий аёл ўғил туғибди, унинг бир кўзи теп-теккис, яъни умуман йўқ, иккинчиси эрса бўртиб чиққан эмиш» деган хабарни эшитиб, «Ул Дажжол бўлмасин, тағин!» деган хавотирлик билан ўшал томон йўлга чиққан эрдилар. Улар юра-юра, ниҳоят Ибн Саййодни Бану Мағола кўрғони олдида болалар билан ўйнаб юрганда учратишди. Ибн Саййод ўшал кезларда балоғатга етай деб қолган бўлиб, Жаноб Расулуллоҳ бирлан саҳобаларнинг келганларини сезмай қолди. Жаноб Расулуллоҳ муборак қўллари бирлан унинг орқасига бир туртиб: «Сен менинг Аллоҳнинг расули эканлигимга шаҳодат келтиурсанми?» – дедилар. Шунда Ибн Саййод ул зотга қараб: «Мен сизни уммийлар расули эканлигингизга шаҳодат келтиурман», - деди. Сўнг, у яна: «Сиз ўзингиз менинг Аллоҳнинг расули эканлигимга шаҳодат келтиурсизми?» - деб айтди. Жаноб Расулуллоҳ унга: «Мен Аллоҳга ва унинг расулларига иймон келтирганман», - дедилар. Кейин, унга яна: «(хобингда) неларни кўрурсан?»-деб айтдилар. Ибн Саййод: «(баъзан) рост ва (баъзан) ёлғон (тушлар) кўрурман», - деди. Жаноб Расулуллоҳ (унга): «Шайтоннинг сенга ўзи етказадирган хабарларни чалкаштирган», – дедилар. Сўнг, ул зот яна: «Мен бир нарсани кўнглимга яширдим (қани топ-чи ?)» - дедилар. Ибн Саййод: «Бу – Дух...», - деди. Ул зот (унинг гапини бўлиб): «(Акиллама), даф бўл! -

дедилар. Шунда ҳазрат Умар: «Ё Расулуллоҳ, менга ижозат берингиз, унинг бўйинини узиб ташлайин!»- дедилар. Жаноб Расулуллоҳ (‘Умарга): «Агар у (дажжол) бўлса, унга кучингиз етмас, башарти у Дажжол бўлмаса, уни ўлдирмоғингиздан сизга бирор хайрият йўқдур», – деб айтдилар.

Пайғамбарнинг Ибн Саййодни ўлдирмоққа ижозат бермаганликларининг боиси у пайғамбарлик даъвосини қилган бўлса-да, ҳали балоғатга етмаган эди.

Демак, Ибн Саййод, М.Б. Пиотровский фикрига зид равишда, Мадинада мутанаббийлик фаолиятини олиб борганлиги ҳақида манбалар бирор жиддий маълумот бермайдилар[21]. Лекин, шунга қарамасдан, мазкур ҳадис Абу Бакр даврида кенг қулоч ёзган мутанаббийлик ҳаракатининг оддий жамият аъзолари томонидан қабул қилиниши ҳақидаги жараёнга янги тафсилотлар беради. Хусусан, туб ўзгаришлар асрида яшаган Арабистон ярим ороли аҳолиси орасида бўлажак Дажжолни кутиш кайфиятлари кучли эди.

Мадина кучли муҳолифларидан бири Бану Асад қабила бошлиғи Малик ибн Нувайро фаолиятини ўрганишда ҳозиргача маълум муаммолар сақланиб келмоқда. Булар қабила улуғининг ўлдирилиши ва бу учун хун тўлаш масалаларидир. Муҳаммад Ридо[22] ва О.Г. Большаков[23]ларнинг фикрича, Холид ибн ал-Валид (ваф. 642 й.) Малик ибн Нувайро ва бошқа асирларни ўлдиришни буюрмаган. Воқеа тафсилоти шундай: Ўша кеча жуда совуқ бўлганлиги ва асирлар юпун кийинганликлари учун Холид «асирларингизни иситинг» «ادفنوا اسراکم», - деб буюради. Буйрукни нотўғри тушунган аскарлар асирларни ўлдира бошлайдилар. Чунки бу ибора *Кинона* қабилалари лаҳжасида «ўлдириш» маъносини англатарди. О.Г. Большаков уни Макка лаҳжасида тушунишган, - деб ёзади. Шу ўринда О.Г. Большаковнинг фикри бир оз тортишувлидир. Холид Маккада туғилиб ўсган. Маликни эса Асад қабиласидан бўлган Дирор ибн ал-Азвар ал-Асаний (ваф. 633 й.) ўлдирган. Қандай қилиб бошқа жойлик ал-Асаний Холидни Макка лаҳжасида тушуниши лозим? Биринчидан, Малик ибн Нувайрони ислом лашкарлари ичидаги унинг шахсий душманлари ўлдирган бўлиши ҳам мумкин. Иккинчидан, бу Холиднинг тактик услубларидан бири ҳам бўлиши мумкин. Учинчидан, Ибн Касир хабаридаги «لغة الكنانة - *лугат ал-Кинона*» мутлақо бошқа тил – Қадимги Миср тилига ишорат беради[24]. Демак, «*Кинона тилини*» ягона «*Макка лаҳжаси*» сифатида шарҳламоқ нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Бу масалада Малик ибн Нувайрони ўлдирган Дирор ибн Азвар[25]ни Бану Асад қабиласидан эканлигини ҳисобга олсак, мазкур икки киши ўртасидаги шахсий адоват бу ерда асосий роль ўйнаганига иқдор бўламыз.

Иккинчи масала юзасидан, манбаларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Мутамм ибн Нувайро ўз акаси Маликнинг хунини халифа Абу Бакр орқали *байт ал-молдан* олади[26]. Бундан икки хулоса келиб чиқади: 1) Мадина шаҳар-давлати ғазнасининг (*байт*

ал-мол) муваффақиятли ҳарбий юришлар натижасида бойиб боришини кўришимиз мумкин; 2) мусулмон давлати қонунчилигида эски араб қабилавий қонуни (عرف – ‘урф)нинг сақланиб қолганлиги ва ислом давлати – динига қарши кураш олиб борган киши учун хун тўланганлигидан иқроп бўламиз.

Мадина шаҳар-давлати ҳукмронлигига қарши ҳаракат фақат мутаннаббийлик шиори остида эмас, балки бошқа кўринишларда ҳам намоён бўлди. Бу ҳақдаги маълумотларни Абу Бакр аскарлар юборганлиги ҳақидаги хабарлар орасидан топишимиз мумкин. Айнан 632 йил октябрь ойида (11 ҳижрий йил ша‘бон ойида) Абу Бакр лашкарларни 11 гуруҳга бўлиб, жойлардаги исён ва ҳарбий ҳаракатларни бартараф этиш учун юборади[27]. Шулардан фақат 3 таси (Холид ибн ал-Валид (ваф. 642 й.) – Тулайҳа ибн Хувайлидга, ундан сўнг эса Тубаҳга – Малик ибн Нувайрога қарши; ‘Икрима ибн Аби Жаҳл (ваф. 634 й.) – Йамомага Мусайлимага қарши; Шураҳбил ибн Ҳасана (ваф. 639 й.) – ‘Икрима ибн Аби Жаҳлга ёрдамга) мутаннаббийларга қарши юборилади.

Садақа тўламай қўйган қабилаларга қарши юборилган 2 қўшиннинг (ал-Муҳожир ибн Аби Умаййа – аввал Йаманга, ал-Асвад ал-‘Ансийнинг тарафдори Қайс ибн Макшухга қарши, сўнгра эса – Ҳадрамавтга – Кинда аҳлига қарши; Ҳузайфа ибн Муҳсин ал-Ғатафоний – Бану Даббо’ қабиласига) фаолияти тадқиқотларда қониқарли равишда ёритилади.

Аммо, қолган 6 ҳарбий қўшинни (ал-‘Ало’ ибн ал-Ҳадрабий (ваф. 642 й.)нинг Баҳрайн вилоятидаги диндан қайтган қабилаларга; Хорижа ибн Ҳузофа (ваф. 660 й.)ни Бану Сулайм ва Ҳавозин уруғига қарши; ‘Амр ибн ал-‘Оси Бану Қудо‘а қабиласига; Холид ибн Са‘ид ибн ал-‘Ос (ваф. 635 й.)ни Шом чегарасига; Сувайд ибн Муқаринни Йаманнинг Тиҳома вилоятига; ‘Арфажа ибн Харсаманинг Маҳра аҳлига қарши) фаолияти тадқиқотларда етарли даражада ўз аксини топмаган. Биз уларнинг таҳлилига батафсил тўхташ лозимлигини жоиз деб ҳисобладик.

Баҳрайнда Пайғамбар вафотидан сўнг янги сиёсий вазият вужудга келди. Бир сиёсий гуруҳ ал-Ҳатм ибн Дубай‘а бошчилигида Мадина ҳукмронлигини қабул қилмасликка, бошқа гуруҳ – Бану ‘Абд ал-Қайс қабиласи бошлиғи ал-Жоруд раҳбарлигида Мадина ҳокимиятига содиқ қолишга қарор қилдилар. Баҳрайнда ички беқарорлик кучайди. Бу ҳолатда Абу Бакр томонидан юборилган ал-‘Ало’ ибн ал-Ҳадрабий ал-Жорудга ёрдамга келди ва Баҳрайндаги ҳолатни ўз фойдасига ҳал қилди[28].

О.Г. Большаковнинг фикрича, Йаманда ар-Ридда ҳаракати унчалик катта кўламда бўлган эмас. Пайғамбар вафотидан сўнг йаманликлар Абу Бакрга бай‘ат берганлар ва закотларини ўз вақтида юборганлар[29].

Аммо, Абу Бакр Йаман аҳлидан Қайс ибн ‘Абдйағусга қарши ал-Муҳожир ибн Аби Умаййани юборганлиги манбаларда ўз аксини топган[30]. Мазкур Қайс *мутанаббий* ал-Асвад ал-‘Ансийнинг эски тарафдорлари билан алоқа боғлаб, *Сан’о*’ни Мадина иттифокдоши Файруз қўлидан олиб қўйди. Нажронда эса, ‘Амру ибн Ма‘дикариб (ваф. 641 й.) Мадинага қарши исён бошлади.

*Ал-Абно*’лар (الأنباء – йаманлик форс ва араб чатишма авлодлари) раҳбари Файруз, ал-Муҳожир келгунга қадар, ўз кучлари – Йаманнинг ‘Ак ва ‘Ақил қабилалари ёрдамида Қайсни *Сан’о*’дан сиқиб чиқарди. Қайс эса Ма‘дикариб билан бирлашиб, Нажронда ҳаракат бошлади. Шундай оғир бир ҳолатда ал-Муҳожир Мадинадан, ‘Икрима ибн Аби Жаҳл эса ‘Умондан етиб келиб, исёнчиларни бутунлай тор-мор қилдилар[31].

Айни шу пайтнинг ўзида Йаманнинг шарқида жойлашган Ҳадрамавтда ҳам Мадинага қарши сиёсий ҳаракат авж олган эди. Бу ерда Бану ‘Амр ибн Му‘овийа қабиласи тўрт раҳбар ва Кинда қабиласи ал-Аш‘ас ибн Қайс бошчилигида исён кўтардилар. Ҳоким Зийод ибн Лабидга ёрдам бериш учун Абу Бакр ал-Муҳожир ибн Аби Умаййа ва ‘Икрима ибн Аби Жаҳлни юборди. Узоқ давом этган жанглар Мадина аскарлари фойдасига ҳал бўлди[32].

Абу Бакр амалга оширган ишлар сирасида Бану Сулайм қабиласига қарши олиб борган ҳаракатлари тадқиқотлар доирасида кам қўрилган масаладир. Бану Сулайм аҳлини Мадина таъсир доирасига киритиш учун Абу Бакр унга қарши қўмондон Торифа ибн Ҳожиз бошчилигидаги қўшинни юборади. Бу ҳақда ал-Балазурий ўзининг «*Футуҳ ал-булдон*» асарида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Бажир ибн Йёс ибн ‘Абдуллоҳ ибн Суламий Абу Бакрдан қувват сўраб келганда, унга қурол-аслаҳа билан ёрдам берган. Бажир Абу Бакрдан ёрдам олгач, мусулмонларга қарши кураша бошлади. Абу Бакр унга қарши Торифа ибн Ҳожизни юборади. Бану Сулаймга қарши жанг Бажирнинг асир олинishi билан тугайди. Торифа Бажирни Абу Бакр олдида юборган вақтда халифа уни ёқиб юборишни буюрган»[33]. Демак, бу исён маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўп сонли воқеалардан биридир. У Абу Бакр араб қабилалари қаршилигини синдириш борасидаги фаолиятининг нақадар кенг миқёсда бўлганлигини кўрсатади.

Исломуносликда исботланган фактлардан бири шуки, Муҳаммад пайғамбар янги дин даъватини *мушириклар* (مشرك – кўп худолик эътиқодидаги араблар), яъни араб қабилалари орасида ёйган. Абу Бакр ҳам Пайғамбар ишини давом эттириб, ўз вазифасини фақат қабилаларини Мадина ҳукмига қайта бўйсиндиришда деб билган. Аммо бу контекстда Абу Бакр томонидан Холид ибн Са‘идни Шом ва ‘Амр ибн ал-‘Осни эса *Бану Қудо‘а* ерларига юборганлиги катта илмий аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, мазкур икки қabila яшаб турган ҳудудлар Византия империясига қарашли эди. Лекин, шу билан бир қаторда, ушбу қабилалар араб қабилалари деб ҳам саналардилар. Бу жиҳатдан, улар Абу

Бакр тарафидан *ар-Ридда* объекти деб қаралиши мумкин эди. Демак, араб қабилаларини ислом, яъни Мадина ҳукмронлигига бўйсундиришни Абу Бакр бевосита ўз вазифаларидан деб билган. Бу хулоса араб истилолари бошланиши, ислом динининг Арабистон ярим ороли ташқарисига ёйилишига туртки бўлган илк сабаблардан бирини аниқроқ тушунишга ёрдам бериши мумкин.

Византия империяси ёш араб давлати учун ўта жиддий рақиблардан бўлиб, Мадина унга қарши чиқишга жазм қилолмас эди. Аммо, Абу Бакрнинг Византияга тобе Шом ҳудудларига ҳарбий қўшин юборишини қандай изоҳлаш мумкин. Бу ғоят оғир ва ўта нозик масалани ечишда бир жиҳатни эътибордан чиқармаслик лозим.

Маълумки, 613-614 йилларда бўлиб ўтган уруш натижасида Эрон Византияга тегишли бўлган Сурия ва Фаластин ерларини босиб олиб, бу ердаги ўттиз мингга яқин араблардан бўлган мудофаачиларни қириб ташлаган эди. Бу ерларга ички Арабистондан кейинчалик янги қабилалар кўчиб келиб жойлашган, деган эҳтимол мавжуд. Бу сиёсий жиҳатдан қаровсиз қолган араб қабилалари устидан назорат ўрнатиш заруратини Муҳаммад пайғамбар ҳам сезган. Худди шу йўналишда Пайғамбар томонидан Му'тага қўшин юборилишини изоҳлаш мумкин. Абу Бакр замонида эса ана шу қабилалар устидан назорат ўрнатиш орқали Арабистон ярим ороли шимолининг хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Усома ибн Зайд (ваф. 674 й.) бошчилигидаги қўшинни шимолий ҳудудларга юборилишини айнан шу маънода талқин қилиш мумкин. Худди шу хулосани Усома бошчилигидаги қўшинни Рум (Византия) ерларига кузатаётган Абу Бакрнинг аскарларга айтган сўзлари тасдиқлайди:

*«Хиёнат қилманг, аҳдларингизни бузманг, ёш болаларга, қарияларга, аёлларга қўл кўтарманг, мевали дарахтларни суғуриб ташламанг, ўт қўйиб куйдирманг, қўй, мол ва туяларни фақат ейиш учунгина сўйинг, черковда ибодат билан машғул бўлган роҳибларни ўз ҳолларига қўйинг, уларга озор берманг. Оллоҳ номи билан иш юритинг ва Оллоҳдан мадад тиланг»*[34].

Абу Бакр томонидан юқорида зикр этилган 11 қўмондоннинг ҳарбий сафарга юборилиш вақти ва тафсилотлари тадқиқотларда, жумладан, О.Г. Большаков монографиясида батафсил ёритилмаган. У юқорида зикр этилган 11 қўмондон юришларини системали тарзда таҳлил қилмайди. Бу эса, ўз навбатида, *ар-Ридда* ҳаракатининг камровини, унинг моҳиятини чуқур тушунишга монелик қилиши мумкин.

Мазкур 11 қўмондон сафари вақтини аниқлаш Абу Бакрнинг зу-л-Қассадаги жангларининг аниқ санасини белгилашда ёрдам бериши мумкин. Манбалар Усома ибн Зайднинг Мадинага қайтгандан сўнггина бу қўмондонлар йўлга отланганлари ҳақида хабар берадилар[35]. Маълумки, Усома Мадинага 632 йил сентябрь ойида қайтиб келди. Шу

даврдда Абу Бакр Мадина яқинидаги зу-л-Қасса номли ерда Мадина шаҳар-давлатига бўйсунмай қўйган Тай ва Ғатафон қабилаларига қарши жанг қилиш учун шахсан ўзи отланди. Шу асосда зу-л-Қасса жанги 632 йил сентябр охирида юз берди, деб ҳисоблаш мумкин.

### ХУЛОСА

Демак, Абу Бакр сиёсий раҳбар сифатидаги ўз фаолиятини Мадина назоратидан чиқиб кетган қabila ва ҳудудларни янги вужудга келтирган давлат ҳукмронлиги остига қайтаришдан бошлади.

Манбаларда «ар-Ридда» номи билан машҳур мазкур жараён кўп ҳолларда «соф диний», яъни «ислом дини бағрига қабилаларни қайтариш» ҳаракати сифатида талқин қилинади. Аммо тадқиқотлар Мадина шаҳар-давлатига қарши чиққан раҳбарлардан фақат 5 киши мутанаббийликни даъво қилганликларини кўрсатади. Қолганлари соф сиёсий шиорлар остида ҳаракат қилдилар.

Бу маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳали ҳам Муҳаммад пайғамбар давридаги каби фақат диний раҳнамо сифатида эътироф этилган шахсина давлатнинг бошлиғи бўлиши мумкин. Демак, Абу Бакр замонида давлат ўзининг теократик характери тусини сақлаб қолди. Аммо, олий ҳокимият учун кураш борган сари ошкора сиёсий тус ола бошлади.

Аввалги тадқиқотларда кам эътибор берилган турли манбаларда зикр этилган *ар-Ридда* воқеалари тафсилотларининг таҳлили Мадинага қарши бўлган сиёсий-ҳарбий ҳаракат қамровининг кенгрок, жиддийроқ бўлганлигини кўрсатади.

Абу Бакрнинг барча араб қабилаларини Мадина шаҳар-давлати назорати остига олиш йўлида олиб борган жанглари бошқа империялар ҳудудига кўчди ва араб юришларига айланиб кетди.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Ридо. Абу Бакр ас-Сиддиқ. Аввал ал-хулафо' ар-рошидин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийа, 1983. – Б. 153 (бундан кейин: Муҳаммад Ридо. Абу Бакр).; Муҳаммад ал-Хударий. Итмом ал-вафо' фи-сират ал-хулафо'. – Т.: Моварауннаҳр, 1996. – Б. 273 (бундан кейин: ал-Хударий. Итмом).; Ҳасан Иброҳим. – Т. 1. – Б. 285.
2. ал-Бухорий. – Т. 4. – Б. 32-33.
3. Муҳаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 53.
4. ал-Хударий. Итмом. – Б. 273.
5. Муҳаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 54; 'Абд ал-'Азиз Солим. Та'рих ад-даула ал-арабийя. – Б. 172 (бундан кейин: Абд ал-А'зиз Салим).
6. Ибн Халдун. – Б. 80.

7. Ибн Халдун. – Б. 81; Надирадзе. – Б. 238-239.
8. Большаков. – Т. 1. – Б. 175.
9. Большаков. – Т. 1. – Б. 265.
10. Пиотровский М.Б. Пророческое движение в Аравии VII в. // Ислам. Религия, общество, государство. – М.: ГРБЛ, 1984. – Б. 19 (Бундан кейин: Пиотровский. 1984.)
11. Mukhamedov, N., & Turambetov, N. METHODOLOGIES EMPLOYED BY AL BERUNI IN THE ANALYSIS OF RELIGIOUS SYSTEMS // Asian Journal of Multidimensional Research ISSN: 2278-4853 Vol. 12, Issue 12, December 2023 SJIF 2022 = 8.179 -P.105-110.
12. Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1968. – Б. 245 (Бундан кейин: Беруний).
13. Беруний. – Б. 245; ал-Хударий. Итмом. – Б. 276.
14. Большаков. – Т. 1. – Б. 194; Пиотровский М.Б. Мухаммед, пророки, лжепророки, кахины // Ислам в истории народов Востока. – М.: ГРБЛ, 1981 – Б. 12 (Бундан кейин: Пиотровский. 1981).
15. ал-Балазурий. Футух. – Т. 1. – Б. 105; ал-‘Умарий. – Б. 398-399; Мухаммад Шафик Ғирбол. ал-Мавсу‘а ал-‘арабиййа ал-муйассара. – ал-Қоҳира, 1995. – Т. 1. – Б. 970 (бундан кейин: Ғирбол).
16. Большаков. – Т. 1. – Б. 201.
17. ал-‘Умарий. – Б. 410.
18. ат-Табарий. – Т. 3. – Б. 125.
19. Пиотровский. 1981. – Б. 12.
20. ал-Бухорий. – Т. 2. – Б. 310-311.
21. Пиотровский. 1981. – Б. 12.
22. Мухаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 74.
23. Большаков. – Т. 1. – Б. 196.
24. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Б. 701.
25. Мухаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 74; ал-Хударий. Итмом. – Б. 273.
26. Ибн Касир. – Т. 6. – Б. 327.
27. Мухаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 58-59; ал-‘Умарий. – Б. 450.
28. ал-‘Умарий. – Б. 410.
29. Большаков. – Т.1. – Б. 197.
30. ал-‘Умарий. – Б. 405; Мухаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 53; Иброҳим Ҳасан. – Т. 1. – Б. 276.
31. ал-‘Умарий. – Б. 411; Мухаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 109; Иброҳим Ҳасан. – Т. 1. – Б. 279.
32. ал-‘Умарий. – Б. 412; Мухаммад Ридо. Абу Бакр. – Б. 109; Иброҳим Ҳасан. – Т. 1. – Б. 279.
33. ал-Балазурий. Футух. – Т. 1. – Б. 111.
34. ат-Табарий. – Т. 3. – Б. 249; Мухаммад Ридо. Абу Бакр ас-Сиддиқ. – Б. 43; Ризоуддин. – Б. 22.
35. Закоий Кўнрапа. Ислом тарихидан лавҳалар. – Т. 3. – Б. 56; ‘Абд ал-‘Азиз Салим. – Б. 174.